

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг геология,
энергетика, саноат ва унинг базавий
тармоқларини ривожлантириш

масалалари бўйича маслаҳатчиси –
Давлат геология кўмитаси раиси



_____ **Б. Исламов**

“24” 06 2022 г

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология
ва минерал ресурслар кўмитасининг
СИФАТ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) ер қаъри бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, геологик ўрганиш, шунингдек, тоғ муносабатларини бошқариш соҳасида давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Кўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ер қаъри бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, геологик ўрганиш, шунингдек, тоғ муносабатларини бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

- республиканинг минерал хом ашё базасини илгарилама ривожлантириш, биричи навбатда ер ости сувлари, қимматбаҳо, рангли, камёб, камёбер металлари ва уран каби фойдали қазилмаларни, минерал хом ашёнинг янги турлари ва уларнинг конларини тезлаштирилган тарзда излаш;

- геология қидирув ишлари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, жойларда янги саноат қувватларини ташкил этиш орқали фойдали қазилмалар захираларини ўстириш ва минерал-хомашё базасини қайта тўлдиришни таъминлаш;

- фойдали қазилма конларини геологик ўрганиш ва саноат ўзлаштириш соҳасида фаол инвестицион сиёсатни юритиш ва қулай инвестицион муҳитни ташкил этиш;

- рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун биринчи навбатда республика минтақаларида амалдаги саноат хом ашё манбаларини диверсификация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- минерал хома шё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича узоқ, ўрта ва қисқа муддатли Давлат дастурларини амалга оширилиши

юзасидан назорат ва мониторингни таъминлаш, ер қаъри бойликларини геологик ўрганиш усулини, ҳажмини, сифатини ва уларнинг натижалари ишончилигини объектив баҳолаш;

- геология тармоғини истиқболли ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли дастурларни амалга ошириш, шунингдек, геология қидирув ишларини кенгайтириш;

- “E-Auksion” ягона электрон савдо майдончаси орқали ер қаъри бойликлари участкаларидан фойдаланишга рухсатномалар бериш;

- жисмоний ва юридик шахслар томонидан фойдали қазилмаларни геологик ўрганиш, қазиб олиш (чучук, минерал, термал ва саноат ер ости сувларини киритган ҳолда), шунингдек, тоғ-кон ишларини геологик-маркшейдерлик таъминлаш соҳасида қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

- замонавий юқори унумдор геологияқидирув ускуналарни тезлаштирган ҳолда жорий этиш, илғор техника ва инновацион технологияларни таъминлаш ҳисобига геология тармоғини модернизация қилиш бўйича самарали чораларни амалга ошириш;

- геология тармоғи учун олий ва ўрта махсус, касбий маълумот билан юқори малакали кадрларни тайёрлаш, геология тармоғи ишчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, уларнинг меҳнатларини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш;

Ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида Қўмита ўзига қуйидаги мажбуриятларни олади:

- Қўмита фаолиятига доир талаблар, ўрнатиладиган халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикасининг маъёрий-техник ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларини бажарилишини таъминлаш;

- сифат менеджменти тизимини натижадорлиги ва самарадорлигини доимий ошириш;

- мазкур сиёсатнинг асосий қоидалари ва истеъмолчилар талабларини барча ходимлар эътиборига етказиш;

- сифат менеджменти тизимини яхшилаш мақсадида унинг ишлашини мунтазам таҳлил қилиб бориш;

- сифат соҳасидаги сиёсат ва унинг мақсадларини уларни доимий яроқлилигига таҳлил қилиш;

- ишларни сифатли бажариш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш.

Қўмитанинг сифат соҳасидаги сиёсати барча таркибий бўлинмалар раҳбарларига вазифаларни юклайди:

- ўз фаолияти давомида мазкур сиёсат талабларига амал қилиш, уни бўлинманинг барча ходимлари томонидан тушуниш ва амалий равишда амалга оширишни таъминлаш;

- ишларни сифатли бажариш ва уларнинг самарадорлигини ошириш учун зарур шароитларни яратиш.

Сифат соҳасидаги Қўмита сиёсати марказий аппаратининг ҳар бир ходимига вазифа юклайди:

- мазкур сиёсат талабларини тушуниш;

- қонунчилик, истеъмолчилар, ISO 9001:2015 стандарти ва идоравий меъёрий ҳужжатлар билан қўйиладиган барча талабларни бажариш;

- ишларни сифатли амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай сабаб ва ҳолатларни бартараф этишга эришиш ва ишларни ривожлантириш бўйича таклифлар бериш, ижодий ташаббусни намоён қилиш.

Киритилди:

Кадрлар бўлими бошлиғи



Н. Балхибаев

Норуда хом ашё бўлими бошлиғи



Н. Хакбердиев

Ер қаърини регионал ўрганиш
ва геологик хариталаш бўлими бошлиғи



Н. Дулабова

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари
билан алоқалар бўлими бош мутахассиси



Е. Герасимова

Келишилди:

Раис ўринбосари



Ш. Алимов

Раис ўринбосари



А. Кадирходжаев